

«Ойлар султони - Рамазон!» танлови ғолиблари тақдирланди



10:27 / 28.06.2019 2250

27 июнь куни Ўзбекистон мусулмонлари идорасида «Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни» муносабати билан ўтказилган байрам тадбири доирасида «Ойлар султони - Рамазон!» мақолалар танлови ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Қуйидаги танлов ғолиблари диплом ва совғалар билан тақдирланди:

1-ўрин - «Қадр кечасини изланг!» номли мақола муаллифи Нилуфар Саидазиз қизи биринчи даражали диплом ва Ноутбук компьютери билан тақдирланди.

2-ўрин - «Рамазон ойида Пайғамбаримизнинг амаллари қандай бўлган?» номли мақола муаллифи Муҳаммад Али Муҳйиддин иккинчи даражали диплом ва планшет билан тақдирланди.

3-ўрин - «Қадр кечаси фазилатлари» номли мақола муаллифи Ийсохон Яҳё иккинчи даражали диплом ва телефон аппарати билан тақдирланди.

«Ойлар султони - Рамазон!» мақолалар танловида фаол иштирок этган муаллифлар мақтов ёрлиғи ва совғалар билан тақдирланди:

«Рамазон – ёшлар учун айна фурсат!» номли мақола муаллифи Абдуссамий Эргашев;

«Кўз қандай рўза тутади?» номли мақола муаллифи Файзуллаев Дониёр;

«Рўзанинг етти буюк фазилати» номли мақола муаллифи Асадуллоҳ Муҳаммад;

«Рўзанинг инсон саломатлигига тиббий фойдалари» номли мақола муаллифи Омонжонов Зикрилло;

«Ифторлик» номли мақола муаллифи Умида Адизова;

«Рамазонда муслима синглимга дил сўзларим» номли мақола муаллифи Одина Сайдахмедова;

«Рамазон ойи ва унинг рўзасининг фазилатлари» номли мақола муаллифи Умарали Абдулғаффор;

«Муборак Рамазон вақтларини қандай ўтказайлик» номли мақола муаллифи Абдулқайюм Комил;

«Ойлар султони – Рамазон» номли мақола муаллифи Ҳайтмурат Ережепов;

«Хуш бор, Рамазон...» номли мақола муаллифи Зумрад Фозилжон қизи кабилар муносиб тақдирланди.

«Ойлар султони – Рамазон!» танлови доирасида Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг Наманган ва Самарқанд вилоятлари вакилликлари матбуот хизматлари мақтов ёрлиқлари ва совғалар билан тақдирланди.

Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Усмонхон Алимов ҳазратлари танлов ғолиблари ва иштирокчиларига Аллоҳ таборака ва таолодан ижодларига қут-барака тилаб, мазкур тақдим этилган совғалар рамзий экани ва олий мукофот Жаноби Ҳақ таолонинг ҳузурида тақдим этилишини сўрадилар.











Islom.uz портали тахририяти